НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА



Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 12-mart, payshanba, 33 (23.313)-son

Кун ҳикмати

Иқтидор ўзи севган ишни доимо бажаришга мойиллик сезишдир

Янги чақирув мавсуми янгича тартиб

Кеча Самарқанд шаҳрида жорий йилги чақирув мавсумида муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинган йигитларнинг дастлабки гуруҳи хизматга кузатилди.

Маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов, Марказий ҳарбий округ қўшинлар қўмондони биринчи ўринбосари полковник Қ.Ачилов, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва эгнига аскарлик либосини кийган йигитлар сўзга чиқди.

Қайд этилганидек, муддатли ҳарбий хизматга йўл олганлар вилоятимиздаги 60 мингдан ортиқ чақирилувчилар орасидан сараланган.

– 2019 йил 10 августдан бошланган жараёнда чақирилувчилар ўртасида танлов ўтказилиб, уларнинг умумжисмоний тайёргарлиги аниқланди, – дейди вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, Раҳбарият кенгаши аъзоси Фарҳод Алимходжаев. – Бундан ташқари, касбий танлов бўйича синовлар ҳамда якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Улар орасидан саралаб олинган йигитлар туман, шаҳар бутлаш комиссияларида тегишли тиббий кўрикдан ўтказилгач, вилоят ҳарбий-тиббий комиссиялар хулосаси асосида ҳарбий хизматга жўнатилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни саралаш олдингиларидан мутлақо фарқ қилади. Бу йилдан ёшларни ҳарбий хизматга чақиришнинг янги тизими амалиётга жорий этилмоқда. Мисол учун, илгари чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги қарор туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи томонидан қабул қилинарди. Янги тизимда мазкур қарор Қуролли Кучларни бутлаш комиссиялари томонидан амалга оширилади. Яъни чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш тадбирларининг ўтказилишига умумий раҳбарликни Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлари амалга оширмоқда.



Чақирилувчиларни якуний тиббий кўрикдан ўтказиш масъулияти эса ҳарбий госпиталлар шифокорлари зиммасига юклатилган. Туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари бутлаш комиссиялари 15 февралдан 30 апрелгача фаолият олиб боради. Мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида ташкил қилинган ҳудудий комиссиялар эса ўз фаолиятини 1 мартдан 30 апрелгача амалга оширади.

Вилоят йиғиш пунктидаги ҳарбий тиббий комиссия ҳамда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши – 20 февралдан 30 апрелгача фаолият олиб боради.

Бирор комиссия қарори ва хулосасидан норози бўлган чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари Раҳбарият кенгашига, шунингдек белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин. Чақирувчилар, уларнинг ота-оналарининг мурожаатлари Раҳбарият кенгаши томонидан шу жойнинг ўзида якуний тарзда ҳал этилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар, яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-сингилиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этилади.

Бундан ташқари, жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайди.

Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган чақирув ёшидаги фуқаролар Президентнинг 2020 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Маълумотларга кўра, бу йил вилоятимиздан ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват, билимли 2500 нафардан ортиқ чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга олинади.

Ё.ГАДОЕВ,
Б.МУСТАНОВ (фото).



Муҳими – ўз соҳангда эканлигингни англашда

Энг мураккаб машқларни бажариш учун минглаб томошабинлар йиғилган залга чиққанимда ҳам бунчалик ҳаяжонланмагандим. То саҳнага етиб боргунимча ишқилиб, қоқилиб кетмай-да, йиқилиб тушмасмиканман, деган хавотирда эдим. Оёқларим оғирлашиб, қадамларим тош осиб қўйгандай секинлашгандай туюлди. Ҳартугул саҳнагача етиб бордим, аммо ундан у ёғини ҳаяжон зўридан эслолмайман. Жойимга қайтганимда кўксимда ҳар бир ўзбек қизининг орзуси – Зулфия номидаги давлат мукофоти ярқираб турарди.

Президентимиз қарорига кўра яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Нуринисо Усмонова мукофотни олишдаги таассуротларини шу тариқа ифодалаб берди. Нуринисо спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича ўнлаб республика, халқаро чемпионатлар совриндори. Ҳаётига тўрт ёшидан бошлаб гимнастика кириб келган бўлса, у шундан бери спорт олами билан чамбарчас боғлиқ. Машаққатли меҳнат ва доимий шуғулланишлар натижасида у 2017 йилдан бери Осиё ва халқаро мусобақалар совриндори бўлиб келмоқда. Қозоғистон, Малайзия, Таиланд, Индонезия ва Озарбайжонда ўтказилган мусобақаларнинг ҳар бири ҳақида бир олам таассуротлари бор.

- Ота-онам, яқинларим, устозим Елена Аслановнинг эътиборисиз бундай даражага эришолмасдим, - дейди Нуринисо биз билан суҳбатда. – 4 ёшимда бобом қўлимдан етаклаб гимнастика залига олиб келгани ва бу соҳа айнан меники эканлигини ҳис қилишим учун кўп вақт кетмади. Кўпчилик ота-оналар фарзандининг у ёки бу машғулот билан шуғулланишини истайди, шунга ҳаракат қилади. Боланинг ҳам интилиши шунга мос тушсагина у ютуқларга эришар экан. Чидам билан соатлаб спорт залларида шуғулланиш учун танлаган соҳанг сен учун эканлигини ҳис қилишинг керак. Телевидение орқали гимнастикачи қизларнинг чиқишларини томоша қилиб, шунчаки қизиқиш билан бу ерда қолишнинг иложи йўқ.

Спорт аввало инсоннинг феълини тоблайди. Унда ирода, сабр, машаққатларга чидамлилик хусусиятларини шакллантиради. Тартиб-интизом билан меҳнат қилиш, ҳаётда режалар тузиш ва уни босқичма-босқич амалга оширишда ҳам мени айнан спорт тарбиялаган, деб ўйлайман. Оилада мени доим қўллаб-қувватлашгани, яқинларимнинг мусобақаларда иштироки менга руҳан далда бўлиб турган. Боласига меҳр кўрсатмай кўп нарса талаб қилаётган оналар ёки меҳнат қилмай муваффақиятга эришишни истаётганларни кўп учратганман. Спорт бу каби сабоқларни олишим учун катта мактаб бўляпти.

Нуринисо Усмонова халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари туфайли грант асосида Самарқанд давлат университети талабаси бўлди. Ғолибликка меҳнат билан эришишни мақсад қилган қиз шу соҳанинг энг юқори натижаларини кўзлаган.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Пресс-тур



ҲУНАРМАНДЛАР устахонасида

Самарқанд шаҳрида Республика "Ҳунарманд" уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга бағишланган икки кунлик пресс-тур ташкил этилди.

Тадбирга республика телерадиоканаллари, интернет ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган журналист ва блогерлар таклиф этилди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб Самарқанд шаҳридаги "Ҳунармандлар маркази"да кулолчилик, заргарлик, тикувчилик, наққошлик, кандакорлик, зардўзлик каби ҳунарлар билан шуғулланаётган усталар фаолияти билан танишди.

Кейинги манзил "Самарқанд-Бухоро ипак гиламлари" Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхонаси бўлди. 250 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада ипакнинг табиий бўёқлар билан рангланиши ва гилам тўқиш жараёни тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

3-саҳифа »»

Мажбурий меҳнат деб қадриятларимиздан воз кечмаяпмизми ёхуд мактабни ким обод қилади?

Сарлавҳани ўқиб, айни пайтда амалдаги меҳнат қонунчилигига зид қарашлар ҳақида сўз борса керак, деб ўйламанг. Биз мажбурий меҳнат дея баъзи қадриятларимиз, қон-қонимизга сингиб кетган хайрли одатларимизнинг бугун эскириб қолаётгани ҳақида очиқроқ гапирмоқчимиз.

Кейинги йилларда жамиятда ўқитувчининг нуфузи ошгани, уларга ижодий ишлаш учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳақида кўп гапирдик. Айнан шундай саъй-ҳаракат сабаб ўқитувчилар кўча тозалаш, пахта далаларида саксон-саргардон юришдан халос бўлди. Меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилиш ҳам авваргидан ўзгарди ва мажбурий меҳнатнинг олди олинмоқда. Бироқ яқин бир-бир ярим йил ичида ижтимоий тармоқларда "Ўқитувчи ва ўқувчи мажбурий меҳнатга жалб қилинди" мавзусидаги маълумотлар кўпайиб кетди. Ушбу ҳолатларни яқиндан суриштирсак, аксарияти ўқитувчиларнинг мактаб ҳудудида олиб борилган ободонлаштириш ишларида қатнашганлиги билан боғлиқ бўлади...

Охир-оқибат аксарият муассасаларимизда мажбурий меҳнат тушунчаси нотўғри талқин қилинди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ахир мактабни ким обод қилади: фаррош, қоровул ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосаригина холосми? Инсон ўзи ишлаб, бола-чақасининг ризқини топаётган масканнинг тоза-озодалиги, ободлигига қандай бефарқ қараши мумкин? Зиё масканини шу ердаги устозлар ҳамжиҳат бўлиб боғу роғга айлантирмаса, уни четдан келиб биров қилиб берадими?

Тўғри, айни пайтда қонунни четлаб ўтишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шу боис мактабда директор, касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти раҳбари иштирокида умумтаълим муассасасини обод этишни ўқитувчилар ўртасида ихтиёрий овозга қўйиб, уларнинг розилиги билан ҳашар, ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мумкин. Аслида Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти авваламбор поклик, тоза-озодалик, саранжом-саришталикдан иборат эмасми? Бу савоб ишлар эса албатта кўпчиликнинг ҳамжиҳат бўлиб ишлаши, яъни ҳашар воситасида узоқ асрлардан буён давом этиб келяптику. Бу хатти-ҳаракатимиз қонун устуворлигига ҳам, виждонимиз амрига ҳам тўғри келади. Мажбурий меҳнатни нотўғри тушуниб, озодаликка риоя қилмасдан, қадриятларимиздан воз кечмаслигимиз керак.

Айниқса, бугунги кунда мактабларни обод масканга айлантириш, шарқона янги йил — Наврўзи оламга тайёргарлик кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда халқ таълими муассасаларида кўкламга, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш лозим. Мамлакат бугуни ва эртаси бўлган фарзандларимиз таълим-тарбия олиб, камолга етаётган умумтаълим муассасалари мутлақо янги қиёфага кириб, энг файзли, обод масканга айланиши зарур. Негаки, тоза-озода жойда барака бўлади, авлодлар соғлом улғаяди. Ҳудудларда ранг-баранг гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазиб, кўкаламзорлаштирилса муассасалар том маънода обод масканга айланади. Аслида ҳам таълим даргоҳлари мана шундай бўлиши лозим.

Саидаҳмад УСМОНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

2020 йил 14-15 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Ғалабанинг 75 йиллигига

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимиз кўрсатган жасорат ва мардликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек «Бу сўнмас жасорат мана 75 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, чуқур ифтихор манбаи бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади». Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида гапирганда ўша суронли йилларда халқимизнинг олижаноб гуманистик фазилатлари, инсонпарварлиги, бағрикенглигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мардлик мактаби, жасорат тимсоли

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ўзбекистонга собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларидан вақтинча эвакуация қилинган аҳолига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилган. Уруш йилларида юртимизга 1 миллион киши, жумладан 200 минг бола келтирилган ва улар бошпана билан таъминланган. Қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон аҳолиси бу ерга келганлар билан бурда нони, кийим-кечаги, турар жойини баҳам кўрди.

Болаларнинг асосий қисми болалар уйларига жойлаштирилган. 1944 йилда республикадаги болалар уйлари 1941 йилдагига қараганда икки баравар ўсиб, 222 тани ташкил этган бўлса, 1945 йил охирида 256 тага етган, 313 минг 200 бола тарбияланган.

Бу муассасаларда уруш йилларида аҳолининг янги ижтимоий гуруҳлари пайдо бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Булар – ҳарбий хизматчиларнинг эвакуация қилинган оилалари, уруш ногиронлари, етим болалар эди. Дастлабки кунларданоқ жангчиларнинг ҳамма оилалари рўйхатга олиниб, муҳтожларга турар жойларни таъмирлашда, ёқилғи жамғаришда, аёлларни иш билан таъминлашда ёрдам кўрсатилган. Жангчиларнинг болалари ясли ва боғчаларга жойлаштирилган. Колхоз ва совхозлар фронтчиларнинг оилаларини озиқ-овқат билан таъминлаган, томорқа учун ер майдонлари ажратган.

Уруш йилларида Самарқандга 165 минг киши кўчириб келтирилган. Ана шундай оғир йилларда Ўзбекистон халқи ўзининг бағрикенглиги, ҳақиқий инсоний фазилатларини кўрсатди. Чунки ўша даврда ҳеч бир оила уруш азобидан четда қолмаган эди. Фарзандларини фронтга йўллаб, ўзи емай-ичмай топган нарсасини жанггоҳларга етказиб бераётган кишилар яна эвакуация қилинган одамлар, етим болаларни бағрига олиб меҳрибонлик кўрсатганининг ўзи жасорат эди. Ёки биргина Ўзбекистоннинг ўзида 11 минг оила етим қолган болаларни ўз тарбиясига олганлиги қайси қаҳрамонликдан кам?

Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 13 болани, самарқандлик Фотима Қосимова оиласи 10 нафар болани ўз бағрига олган. Каттақўрғонликлар уруш йилларида ота-онасиз қолган турли миллатга мансуб етим болалардан 1200 нафарига ота-оналик қилган. Шунингдек, фронт яқинидан кўчириб келтирилган 4270 нафар бола Жомбой, Булунғур, Фориш, Нарпай, Паст Дарғом ва бошқа туманларга жойлаштирилган. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри Акрамова бошқаларга ибрат кўрсатиб турли миллат фарзандларидан иборат 14 нафар болани тарбиясига олганлиги тилларда достон бўлди.

Бу оила шарафига Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги майдонида 1982 йилда «Халқлар дўстлиги» монументи ўрнатилган. Бу ёдгорлик халқимиз бағрикенглигини ифодалаб турибди.

Урушнинг оғир йилларида халқимизга хос мардлик ва жасорат кўрсатган, меҳрибонлик ва бағрикенглигини намойиш этган ота-боболаримиз, меҳрибон аёлларимиз ҳақида хотиралар, китоблар ёзиб, фильмлар яратилса ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлар эди.

Содиқ НАЗАРОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Унда сафо, латофат бисёр



Барча интиқиб кутган фасллар келинчаги баҳор кириб келиши билан инсонларга беқиёс шодлик улашувчи – Наврўзи олам ташриф буюради.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қонуни Маъсудий» асарида кун тенг бўладиган вақт ҳақида фикрларини баён этган. 21 март – Наврўз (янги кун), тун ва кун тенг бўлган кун. Янги йилнинг илк куни.

Умар Ҳайём ўзининг «Наврўзнома» асарида бу кун ҳақида тўлиқ маълумот берган.

XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири ва тарихчи олим Огаҳий Наврўзни қуйидагича изоҳлаган:

Баланд айлаб қуёшга поя Наврўз,
Кўтарди ер юзидан соя Наврўз.
Келиб файз-у ишрат-у айш бирла,
Муҳайё қилди элга вояга
воя Наврўз.
Қилибдур маҳлиқоларнинг юзини
Латофат мусҳафига соя Наврўз.

Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?

Бунинг сабаби, Наврўзи олам энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан ҳоли, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам эканлигидадир.

Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрли.

Ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли хосият ва файз, қут-барака ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этган шарқона янги йил – Наврўзни барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида нишонлаймиз.

Бунда миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақалари, арқон тортиш, арғимчоқ учиш, майсазорларда қўшиқлар, топишмоқлар, лапарлар айтиш ўзгача кечади.

Айни шу бетакрор фаслда кишилар халқимизга мансуб бўлган, уларнинг одатига айланиб кетган қадриятлар: бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни шодон қарши олади.

Саид-Жамол МИР-ЖАФАРОВ,
шарқшунос, арабшунос олим.

Бу факт

2020 йил 1 январь ҳолатига вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 25643 тани ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига қараганда 30,6 фоизга ошди.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

Самарқандда ЛИФТ муаммоси қачон ҳал бўлади?



Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг лифтларни ишламаётгани ёки тез-тез бузилиб туришидан норози бўлаётганини кўп эшитганмиз.

ЛИФТДА ҚАМАЛИБ ҚОЛГАН МЕҲМОН

Суғдиёна массивидаги «Суғдиёна» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 10 та кўп қаватли уйнинг 6 тасида лифт бор. 58-уйда лифтлар бир ишлаб, бир ишламайди. Уйда яшовчилар лифтнинг тез-тез бузилиши, унинг кабинасидаги қурилмалар ишдан чиққанлиги ҳақида эътироз билдиришди. Ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида мазкур уйнинг 1-йўлагидаги лифтга кирдик. Эшик очилди, аммо, тепага кўтарилишнинг иложини топмадим. Чунки керакли қаватга чиқиш тугмалари йўқ, борлари ҳам ишдан чиққан. Киришга кирдиму, чиқишим учун нақд 10 дақиқа керак бўлди. Чунки лифтда чиқишни билдирувчи тугмаси йўқ эди. Лифт кабинасидан туриб, шу ерда ёзиб қўйилган сантехник ва лифт устасининг телефон рақамларига қўнғироқ қилдим. Афсуски, бирортаси ишламади. Тақиллатдим, лекин ҳеч ким ёрдамга келмади. Ниҳоят, куч билан эшикни очиб, ташқарига чиқдим. Шу уйда яшовчилардан бири «Кеча ҳам бир меҳмон қамалиб қолувди, зўрға чиқариб олдик» деди.

Шу уйнинг иккинчи йўлагидаги лифт махсус электрон калит ёрдамида ишлатилар экан. Бунақа калит шу йўлакдаги ҳамма хонадон эгаларига берилган экан. 65-уйнинг лифти ҳам тез-тез бузилади.

- Уйимизда ёш болали, ногирон, кексалари бўлган оилалар ҳам бор, - дейди Галина Мизинова. – Улар мактабга боришга, бозор-ўчар қилиш учун тушиб-чиқишга қийналишади. Айрим хонадон эгалари лифт ишламагач, пастга тушишга эриниб, чиқиндиларини деразадан отиб юборишади. Ўзим биринчи қаватда яшасам-да, уларнинг қийналаётганини кўриб тураман. Ширкатдагилар 4-5 йил илгари лифтларни тўлиқ алмаштирамиз деб фақат кабиналарини алмаштиришди, аммо асосий ҳаракатга келтирувчи қисмлари эскилигича қолди.

«ЯНГА, ЛИФТ ЯНА ИШЛАМАЯПТИ, 15 МИНГ СЎМ БЕРИНГ»

Ширкат жойлашган 66-уйда ҳам лифт ишламаётган экан. Уйнинг 6- қаватида яшовчи Дилрабо Элмуродованинг жиғибийрони чиқиб пастга тушаётганига гувоҳ бўлдим.

– Уйимиздаги лифт тез-тез бузилиб қолади, - дейди опа. - Мана бугун ҳам ишламаяпти. Оёғимга протез қўйилган, зинадан чиқиб-тушишга қийналаман. Таъмирлаб беришларини сўраб ширкатга мурожаат қилсак, лифтлар эски, аллақачон муддатини ўтаб бўлган, деган жавобни эшитамиз. Мажбурликдан ҳар бир хонадондан 10-15 минг сўмдан пул йиғиб, уста чақирамиз. 4-5 кун ишлайдими йўқми, электр токи бир ўйнаса, тамом, яна шу аҳвол. Яна «йиға-йиғ» бошланади. Қўшни 66-уй лифтининг юк кўтариш қурилмаси ўғирлаб кетилган. Шундан бери ишламайди.

Нега лифт ишламай қолса, дарров аҳоли пул йиғишни бошлайди? Ахир ширкат ёки уларни таъмирлашга жавобгар бўлган таъмирловчи корхона бор-ку. Қолаверса, ширкатнинг ўзида лифт устаси ва сантехник бор. Нега улар ўз вақтида таъмирламайди?

- Ширкатимизга қарашли уйларда 12 та лифт бор, - дейди ширкат раиси Ирина Гечунцова. – Электр энергиясида тез-тез узилиш содир бўлади. Электр ҳар сафар ўйнаганда лифтларимиз ё куйиб қолади ёки электр фазаларини ўзгартириш керак бўлади. Усталаримиз ҳар куни уйма-уй айланиб ишдан чиққан лифтларни созлаб келишади. Оғир ҳолатларда эса «Сервис буюк бунёдкор» МЧЖнинг лифт созловчилар бригадасига мурожаат қиламиз. Ҳар ойда мазкур корхонага лифт таъмирлаш учун 1 миллион сўм маблағ ўтказиб берамиз.

«Ал Бухорий» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 53-кўп қаватли уйда эса аҳвол янада оғир. Мазкур уйнинг бир йўла бешта лифтининг юк кўтариш қурилмалари ўғирлаб кетилганлиги сабабли юқори қаватларда яшовчи аҳоли сарсон бўлмоқда.

Суғдиёна массивидаги кўп қаватли уйларда жами 68 та лифт бор. Уларнинг 20 фоизи ишламайди. Масалан, «Тонг» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда ўрнатилган 8 та лифтнинг 4 таси, «Авангард-Суғдиёна» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида эса 5 та лифт юқори кучланишли электр энергияси туфайли куйиб, ишдан чиққан. Бу каби камчиликлар Кимёгарлар шаҳарчасидаги кўп қаватли уйларда ҳам мавжуд. Жумладан, «Нурли келажак» маҳалласида жойлашган 9 қаватли 26 ҳамда 25-уйларнинг лифтлари носоз.

- Лифтимиз анча йилдан буён ишламайди, - дейди шу уйнинг 71-хонадонида яшовчи Насиба Муратова. – Тўғри, беш йил илгари алмаштирилган эди. Бироз вақтдан сўнг яна ишламай қолди. Юқори қаватларда кекса отахону-онахонларимиз истиқомат қилади. Аммо улар бирор сабаб билан пастга тушса, қайтиб уйига чиқиши азоб.

«КЕП ҚОЛИНГ, ЛИФТ МОТОРЛАРИ БОР»

- Лифтларнинг юк кўтариш қурилмасини 500 минг сўмга таъмирлаш мумкин, - дейди «Сервис буюк бунёдкор» МЧЖ раиси Фарид Латипов. – Ишлатилганини эса бозордан 1 миллион сўмга сотиб олиш мумкин. Булар учун эҳтиёт қисмлар топиш муаммо. Аммо ҳар сафар уни ўғирлаб кетаверишса, ҳар қандай одамга ҳам малол келади. Аҳоли эътиборсизлиги натижасида бу каби ўғирликлар содир бўляпти. Лифтларнинг асбоб-ускуналари жойлашган хоналар қаровсиз қолдирилса, қулф билан маҳкамланмаса нохуш ҳолатларга дуч келинади.

Хўш, лифтларнинг эҳтиёт қисмлари камёб бўлса, унда улар бозорга қаердан кириб келяпти? «Кеп қолинг, лифт мотори сотаман» дегувчи олғирларнинг қўлидаги мослама ва қурилмалар шу уйлардан ўғирланган эмасмикан?

Кўк ҳолларда «дом»да яшовчиларнинг ўзлари ҳам лифтнинг бузилишига сабабчи бўлади. Кимдир уйини таъмирлаш учун оғир қурилиш материаллари олиб чиқади. Ёки ёпилиб қолса, эшикларини мажбурлаб очишади. Натижада кучланиш ортиб лифтнинг мотори ёки бошқа қурилмалар ишдан чиқади.

«ЭСКИНИ ЯМАБ, ЭСИНГ КЕТАР»

- Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги 15 та кўп қаватли уйда 2012-2015 йилларда ўрнатилган 29 та лифт фойдаланишга топширилмаган, - дейди Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Самарқанд ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зоҳид Шарапов. - Ширкатларда лифтни ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда уларни ўрнатган ташкилотлар ҳақида маълумотлар йўқ. 17 та ширкатга қарашли 42 та кўп қаватли уйлардаги 25 йиллик ишлаш муддатини ўтаб бўлган 124 та лифтдан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда. Бу каби ҳам маънан, ҳам техник жиҳатдан эскирган лифтлардан фақатгина «Ўзстандарт» агентлигидан белгиланган тартибда рухсатномага эга бўлган эксперт ташкилотларининг ижобий хулосасидан кейин фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, шаҳардаги "Илғор келажак сари", "Мароқанд коммуналчи", "Ташаббускор коммуналчи", "Муробод коммуналчи", "Юлдуз", "Адолат ташаббускор сервис" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларда ҳам фойдаланишда тежамсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган лифтлардан фойдаланиб келинмоқда.

Вилоят уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш бошқармаси бош мутахассиси Ҳусниддин Шодиевнинг айтишича, бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг 157 та лифти 2020-2022 йилларда босқичма-босқич замонавийсига алмаштирилар экан. Бу гапларга ишонгинг келади. Ҳозирча лифтлари ишламаётганидан безор бўлиб мурожаат қилаётган фуқароларга ҳам шундай деб жавоб бериб турибмиз. Тез орада ишлар бошланиб кетса ажаб эмас.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
«Зарафшон» мухбири.

Бугуннинг гапи

ЭКСПОРТНИ кўпайтиришга НИМА халақит беряпти?

Маълумотларга кўра, юртимизда энг кўп экспорт ҳажми бўйича табиий газдан кейинги ўринни мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллайди. Мамлакатимизда йилига ўрта ҳисобда 25 миллион тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади ва 180 турдаги мева-сабзавотимиздан дунёнинг 80 та давлатига 1 миллион тонна маҳсулот экспорт қилинади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2019 йилда вилоятимизда жами 230 минг тоннага яқин мева-сабзавот 160 миллион доллардан ортиқроққа экспорт қилинган. Буни 2018 йилги натижа билан солиштирганда маҳсулот экспорти 15 фоизга ошган. Жумладан, ўтган йили 41,3 миллион долларлик сабзавот ва 45,9 миллион долларлик мева ва резаворлар экспорт қилиниб, 2018 йилга нисбатан 12 минг тонна кўп маҳсулот сотилди.

Биргина гилос мисолида оладиган бўлсак, дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида энг харидоргир мевалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда йилига 100 минг тоннадан ортиқ гилос етиштирилади ва бу борада дунёда бешинчи ўринда туради. Ҳар йили маҳсулотнинг 30 фоиздан ортиғи Хитой, Буюк Британия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда маҳсулотга тўғри нарх белгилаш, халқаро стандартлар асосида қадоқлаш, логистикани йўлга қўйиш орқали гилос экспорти бўйича дунёда 5- ўриндан биринчи ўринга кўтарилиш имкони бор. Аммо ...

- Хорижда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб юқори, лекин бизда логистика хизмати ва товарларни халқаро стандартлар асосида қадоқлаб, экспорт қилиш яхши йўлга қўйилмаган, - дейди Булунғур туманидаги "Шоҳжаҳон ЖСД" фермер хўжалиги иш юритувчиси Дилбар Жалилова. – Европа ва Осиёнинг бошқа ривожланган давлатлари стандартларига мос маҳсулотимиз бор, лекин уни сифатли саралаб, бежирим, кўркам кўринишга эга идишларда қадоқлай олмаслигимиз туфайли, стандартларга кўп ҳам эътибор қилмайдиган давлатларга ярим нархига сотяпмиз. Бунинг устига ташиш ва етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар туфайли мева-сабзавотлар хорижга етиб боргунча сифати бузилиб, талабга жавоб бермай қоляпти. Шунинг учун ҳозирги кунда мевани қуритиб, сўнг хорижга сотиш мева-сабзавот экспортида энг яхши йўл бўлиб қолди. Шу боис, фермер хўжалигимиз негизида узум қуритиш линияси ташкил этяпмиз.

Маркетинг тадқиқотларига кўра, Болтиқбўйи, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларида Ўзбекистоннинг янги ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларига талаб катта. Шу боис, БАА, Япония, Жанубий Корея, Франция, Германия ва бошқа мамлакатлар компаниялари билан экспорт ҳажмини ошириш борасида бир қанча келишувларга эришилган, аммо юқоридаги баъзи муаммолар туфайли ҳалигача экспорт ҳажми кескин ошгани йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг қарорлари билан экспортёрлар (юридик шахслар)га дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган. Тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан, мева-сабзавотни божхона кўригидан ўтказмасдан экспорт қилишлари мумкин бўлди.

Хўш, маҳсулот экспорти учун ҳуқуқий кафолат бор, тўсиқлар йўқ, унда муаммо нимада?

Дунёнинг аксарият ривожланган давлатлари маҳсулот импортида «Halol», «Kosher», "Organic" ва GLOBAL GAP стандартлари талаблари ва органик сертификатланган маҳсулотларни талаб қилишади. Қолаверса, сифат кафолати, маҳсулотни янги ҳолида етказиб бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Шундай экан юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кўпайтиришда, аввало, халқаро стандартларни ўзлаштириш, логистика марказлари фаолиятини ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, ташишни тўғри йўлга қўйиш керак. Шунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида дунёда етакчи ўринлардан бирига чиқиши мумкин.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ҲУНАРМАНДЛАР устахонасида



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Корхонанинг кўргазма залида вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов пресс-тур иштирокчилари билан суҳбатлашди. Бу ерда журналист ва блогерларга Самарқанд ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

- Ҳар ким ҳам ҳунармандчилик маҳсулотларига харидор бўлавермайди, уларни, асосан, санъатни, қўл меҳнати машаққатини тушунадиган, ундан завқлана оладиган инсонларгина сотиб олади, - деди вилоят ҳокими. – Самарқандлик ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар шу пайтга қадар, асосан, хорижликлар томонидан харид қилинар эди. Бугунги кунда маҳаллий аҳолининг ҳам бунга қизиқиши ортиб бормоқда. Вилоятимизда ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнларини сайёҳларга кўрсатиш мақсадида туристик масканлар ташкил этилмоқда. Масалан, биз турган ипак гиламлари фабрикаси ҳамда «Конигил мерос» қадимий Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш корхонаси кейинги пайтларда маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум масканларга айланди.

- XIX асрда Туркманистонда жундан тўқилган гиламча яқинда италияликлар томонидан 120 минг долларга харид қилинган, - дейди корхона бош технологи Ҳожисоатдурди Бодғизий. - Ҳунармандлар меҳнати ана шундай қимматли, қадрлидир. Корхонамизда ўша гиламнинг нусхаси тўқиляпти. Икки нафар ишчи бир йилга яқин вақт мобайнида тўқиб битирадиган гиламнинг нархи 15 минг долларга баҳоланиши мумкин. Бу гиламлар қанча кўҳна бўлса шунча қиммат бўлади.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари Ургут туманидаги кулоллар сулоласининг саккизинчи вакили Нўъмон Облоқулов хонадонида бўлди. Бу ерда улар кулолнинг устахонаси, кўргазма зали билан танишди. Кулолчилик маҳсулотлари ясалиш жараёнини кузатди.

Тадбир иштирокчилари тойлоқлик рассом Аҳмад Умаров ижод уйида ҳам бўлишди.

Тадбирнинг иккинчи куни Самарқанд шаҳридаги Бунёдкор маҳалласида фаолият юритаётган ёғоч ўймакори Мансур Асадов устахонасидаги иш жараёнлари билан танишишдан бошланди. Бу ерда оддий ёғочдан ноёб ва гўзал буюмлар яратиб, уларга "жон" бағишлаётган ҳунарманд ва «Уста-шогирд" анъанаси асосида ушбу ҳунар сирларини ўрганаётган ёшлар иши иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари Самарқанд туманидаги "Конигил мерос" хусусий корхонасига борди. Бу ерда улар қадимий қоғоз ишлаб чиқариш жараёнлари, тегирмон ва жувозлар, корхона ҳудудида ўтмиш ва бугун уйғунлигида сайёҳлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

- Бугунги кунда вилоятимиз шаҳар ва туманларида 6 мингдан ортиқ ҳунарманд ва уларнинг шогирдлари 34 йўналишда изланиб, меҳнат қилмоқда, - дейди республика "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Умид Ҳакимов. - Улар "Уста-шогирд" анъанасини йўлга қўйиб, 4 минг 400 га яқин шогирдлар тайёрламоқда. 2019 йилда умумий қиймати 14,7 миллиард сўмлик банк кредити ҳисобига 411 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1 минг 270 нафар фуқаро бандлиги таъминланди. 2020 йил биринчи ярим йиллигида 29,4 миллиард сўм банк кредити ҳисобига 834 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ҳунармандларга тайёрлаган маҳсулотларини сотилиши учун ҳам кўмаклашиш асосий мақсадларимиздан бири. Бунинг учун интернет орқали савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот тадбирларини амалга ошириш ҳам ҳунармандларимизни қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши. Икки кун давом этган пресс-турнинг мақсади ҳам шунга қаратилган.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).

Аграр соҳада наноишланмаларнинг ўрни

Каттақўрғонда туман ҳокимлиги, "Щёлково Агрохим – Ўзбекистон" Россия – Ўзбекистон қўшма корхонаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти билан ҳамкорликда олимларнинг наноишланмаларини қишлоқ хўжалигига татбиқ этишга қаратилган семинар ўтказди.

Агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари бошлиқлари, соҳага алоқадор корхоналар раҳбарлари иштирок этган семинарда қўшма корхона, вилоят "Чорванасл" маркази мутахассислари, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқитувчилари қишлоқ хўжалигига янги агротехнологияларни жорий этиш, унинг самарадорлиги қишлоқ хўжалиги экинларида пайдо бўлаётган янги касалликлар, ҳашаротларнинг йил сайин кўпайиб бораётгани ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида тушунча бердилар.

Йўлдош СУЮНОВ.

✓ *Хотира*

Меҳри дарё устоз эди



Инсонга умр бир марта берилади. Уни ўзининг хайрли ишлари, ибратли сабоқлари билан безаган инсон дунёдан ўтганидан кейин ҳам кишилар қалбида ўчмас хотира бўлиб яшайди. Ана шундай шарафга муяссар бўлган инсонлардан бири пайариқлик ўқитувчи, меҳрибон устоз Сантир Тошпўлатов эди.

Устознинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти, маънавий қиёфасини тўлиқ тасаввур қилиш учун унинг таржимаи ҳолига бир қур назар ташламасак бўлмайди.

Устоз 1924 йилда Саритой қишлоғида туғилган. Ёшлик йиллари алғов-далғов, шўро давлатининг одамларни мажбурлаб жамоалаштириш даврига тўғри келди. Шунга қарамасдан С.Тошпўлатов бошланғич таълим мактабининг еттинчи синфини тугатишга муваффақ бўлди. Аммо ўқишни давом эттиришга уруш ҳалақит берди. У «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам ишлаб, ҳам урушга кетган ўқитувчилар ўрнида бошланғич синфларга дарс беришга мажбур бўлди.

Урушдан кейин С.Тошпўлатов мактабда ўқишни давом эттириб, 10-синфни тугатди. 1949 йилда Самарқанд педагогика техникумини, 1968 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих ва география факультетини сиртдан ўқиб, пенсияга чиққунича севимли касби – ўқитувчиликни тарк этмади.

Устоз ёшларга билим бериш билан бирга Саритой қишлоғида боғдорчиликка ҳам асос солиб кетди. Унинг пайвандлаш орқали яратган «Президент олмаси» нафақат Пайариқда, балки вилоят, республикада ҳам ҳосилдорлиги билан машҳур. Бугун Саритой қишлоғида 70 фоиз оила устоз С.Тошпўлатов изидан бориб, мева ва гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланмоқда.

Устоз пенсияга чиққач ҳам меҳнат фаолиятини тўхтатгани йўқ. Бир неча йил маҳалла қўмитаси раиси вазифасида ишлаб, ободончилик, тўй-маъракаларни тартибли ўтказиш, аҳоли томорқа хўжаликларидан унумли фойдаланишга катта ҳисса қўшди. Қишлоқ оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб маҳаллада янги мактаб қурилишига бош-қош бўлди.

Устознинг ўқувчиларга меҳри баландлигини ўзимиз яқиндан ҳис этганмиз. У доимо оталарингиз яхши одамлар. Сизлар ҳам яхши ўқиб уларга муносиб бўлишингиз керак, деб насиҳат қиларди. Устознинг ёрдами билан аълочи ўқувчилар қаторига қўшилганимиз ҳамон эсимизда. Устоз бошқа ўқувчиларга ҳам дарсларни ўзлаштиришларида жонкуярлик қилган меҳри дарё инсон эди.

Устознинг ўғил-қизлари муносиб тарбия кўрган. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритишяпти. Меҳрибон устоз бугун орамизда бўлмасада, қалбимизда яшамоқда. Унинг бизга берган билими ва ҳаёт сабоқлари доимо қулоғимиз остида жаранглаб туради.

Қаршибой МУРОТОВ, Турсунқул САЛИМОВ, шогирдлари.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ

Давергеодезкадастр қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев иштирокида 2020 йил 24 март куни соат 11:00 да Булунғур шаҳри Оқтепа кўчаси, 103-манзилда жойлашган Булунғур педагогика коллежи биносининг мажлислар залида жисмоний ва юридик шахслар билан сайёр қабул ўтказиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан сизда Давергеодезкадастр қўмитаси тизимидаги ташкилотлар хизматларидан фойдаланишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда ўзингизни қизиқтирган бошқа саволлар бўлса, 2020 йил 24 март куни соат 11:00 да ушбу сайёр қабулга ташриф буюришингизни сўраймиз.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЕР ТУЗИШ ВА КЎЧМАС МУЛК КАДАСТРИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.

ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Иштихон туман «Mitan dehqon bozori» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг умумий йиғилиши 2020 йил 11 апрель куни соат 10:00 да жамият биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИДА:

1. 2019 йил якунлари бўйича ҳисобот;
2. 2020 йил бизнес-режасини тасдиқлаш;
3. Бошқа масалалар.

МАНЗИЛ: Иштихон тумани, Митан қўрғони, Амир Темур кўчаси.

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «NASH KAPRIZ" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302544112) ўз устав фондини 16 862 144 (ўн олти миллион саккиз юз олтмиш икки минг бир юз қирқ тўрт) сўмдан 5 500 000 (беш миллион беш юз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 54-уй.

* * *

Иштихон туман давлат хизматлари марказидан 2018 йил 18 апрелда 5528 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ALDAROZ YOSHLARI" нодавлат таълим муассасаси (қисқартирилган номи: "ALDAROZ YOSHLARI" НТМ) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Муассасанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Иштихон тумани Алдароз қишлоғи.

Муассасанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305494901.

* * *

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 21 январда 6000 реестр рақами билан рўйхатга олинган "OFTOBU MAXTOB FARM" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "OFTOBU MAXTOB FARM" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 11 мартдаги умумий йиғилиши 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри С.Айний кўчаси, 7-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 301454842.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «AFROSIAB IT SERVICE» хусусий корхонаси (СТИР: 304210677) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «AFROSIAB IT SERVICE» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «AFROSIAB IT SERVICE» масъулияти чекланган жамияти «AFROSIAB IT SERVICE» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 100-уй.

* * *

Жомбой туманидаги «AFROSIYOB DIZAYN SERVIS" маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 302594447) ўз устав фондини 141 134 539 (бир юз қирқ бир миллион бир юз ўттиз тўрт минг беш юз ўттиз тўққиз) сўмдан 63 626 539 (олтмиш уч миллион олти юз йигирма олти минг беш юз ўттиз тўққиз) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Зебинисо кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Сейранян Карлес Левоновичга (2019 йил 11 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Хайдаров Джахонга (2008 йил 24 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси; 64-уй.

* * *

Самарқанд туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Шарипова Дилором Азамовнага (2017 йил 1 апрелда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани У.Самиев кўчаси, 1-уй.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Юлдашев Мамаражабга (2014 йил 6 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасида марҳум Кубаев Қахрамон Мамадмуродовичга (2017 йил 11 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Регистон кўчаси, 38-уй.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Уроков Тулкин Тоштемировичга (2019 йил 2 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Қўшработ туман давлат нотариал идорасида марҳум Курбанова Рўзига (2016 йил 20 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қўшработ туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Қўшработ тумани Ғофур Ғулом кўчаси, 28-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Негматова Лубатга (1994 йил 30 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Кимёгарлар қўрғони, Умид кўчаси, 24-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фуқаро Негматова Лубатга (марҳум) қарашли Самарқанд шаҳри Озод кўчаси 7-уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд педагогика коллежидан 2007 йилда Мамазияева (ҳозирда Исакулова) Азиза Толлимурадовна номига берилган рўйхат рақами 97, К № 673097 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туман хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасидан Нурахунов Абдукадир Сабитовичга қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳи учун 2018 йил 7 февралда берилган 52/161 рақамли кадастр ҳужжатлари нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 6-ўрта мактабдан 1999 йилда Азимова (ҳозирда Хаитбоева) Умида Турабековна номига берилган O'R-A № 486067 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги "BEK SADOSI" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307192294) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 48-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Мирзаева Наргиза Рахмат қизи номига берилган U № 1918046 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2012 йилда Мусурмонова Гулзода Тойировна номига берилган рўйхат рақами 296, К № 1717953 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2007 йилда Рахмонов Темур Неъматович номига берилган рўйхат рақами 30501, № 288279 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасидан Рузиев Ахатга қарашли Самарқанд шаҳри Каварзор кўчаси, 30 уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд санъат коллежидан 2019 йилда Эгамбердиев Диёрбек Акмал ўғли номига берилган рўйхат рақами 1741, К № 5591973 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Тургунова Малика Алижоновна номига берилган U № 5587075 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 56-ўрта мактабдан 1986 йилда Бекмуродова Зумрад Абдурахмоновна номига берилган Г № 864029 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 29-ўрта мактабдан 1996 йилда Аметова Сарента Диляверовна номига берилган UZK № 034285 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Журакулова Хуррият Асатиллоевна номига берилган O'R-SH № 0614505 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Шамситдинова Сабина Бахтиёровнанинг фуқаролик паспорти (Паспорт АВ 2914056 Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан берилган) Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99890-251-78-87.

"ALJ-SAMARQAND"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
вилоятимиз аҳлини
Наврўз
айёми билан
самимий қутлайди.
Сизларга
бахту иқбол,
сиҳат-саломатлик
ҳамиша ҳамроҳ
бўлсин!
Хизматлар лицензияланган.

"ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК"
акциядорлик тижорат банки Самарқанд минтақавий
филиали жамоаси
ҚҚБ
гўзал фасл
байрами –
Наврўз
билан барча
юртдошларимизни
табриклайди.
Баҳор
байрами
кўнгилларга
рўшнолик,
қалбларга
қувонч
олиб келсин.
Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK
акциядорлик тижорат банки
Самарқанд вилоят бошқармаси
жамоаси
вилоятимиз аҳлини яқинлашиб келаётган
Наврўзи
олам
билан қутлайди.
Ушбу ёруғ
кунларда Сиз азизларга
мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт ва
хотиржамлик тилаймиз!
Хизматлар лицензияланган.

IPOTEKA BANK
акциядорлик тижорат банки Самарқанд
вилоят филиали жамоаси
азалий қадриятларимиз
тимсоли бўлган
Наврўз
байрами билан барча юртдошларимизни
табриклайди.
Барчангизга яхши
кайфият, оилангизга
қут-барака ва
сиҳат-саломатлик
тилаймиз!
Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon
Самаркандский вестник
© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги
Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 545 нусхада чоп этилди. Буюртма 192
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2
КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.
Навбатчи муҳаррир: Т.ШОМУРОДОВ.
Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотувда нархи келишилган ҳолда
ISSN-201667X
9 772010 667009